
**Ҳоким қабули: Мурожаатлар қабул жараёнининг ўзида ҳал этилди
Давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак... Давлатимиз раҳбарининг илгари сурган
бу ғояси ва бугунги кунда маҳаллий ҳокимликлар ҳамда бошқа давлат органлари
масъуллари олдига қўйган қатъий талаби ўз натижаларини бермоқда.**

Бугун Риштон тумани ҳокими ва тегишли мутасаддилар Халқ қабулхонасида навбатдаги қабулини ўртказди. 16 нафар фуқаролар иштирок этган ушбу қабул жараёнида кўплаб муаммоларга ечим топилди.

Туман ҳокими барча мурожаатларни эътибор билан тинглади ва бу муаммоларни бартараф этиш учун масъулларга топшириқ берди. Хусусан, Бужай МФЙдан ташриф буюрган фуқароларнинг ушбу маҳаллада яшовчи тадбиркорнинг ноқонуний тарзда қурилаётган дўкони юзасидан қилган мурожаатлари жойида ҳал этилди.

Бундан ташқари, аҳолининг уй-жой билан таъминлаш, ички йўллارни таъмирлаш ва шу каби бошқа масалалар юзасидан қилган мурожаатлари бўйича ҳам аниқ муддат белгиланган ҳолда масъулларга топшириқлар берилди.

Бугунги қабул рақамларда

Бугунги қабул жараёнида фуқаролардан 16 та мурожаат келиб тушди. 5 та мурожаат жойида ҳал этилди. 8 та мурожаат юзасидан ҳуқуқий масалаҳат берилган ҳолда қаноатлантирилди. 3 та мурожаат назоратга олинди.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-07-29 16:52:55